



Риё савобингизни йўққа чиқаради!

Нуриддин домла **ХОЛИҚНАЗАРОВ**,


Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

Ўтган йилнинг биринчи ярми-да 40 минг, йил якунига қадар яна 30 минг нафарга яқин, қарийб 70 минг нафар юртдошимиз умра ибодатини адо этиш бахтига муяссар бўлди. Албатта, бу Парвардигорнинг улуғ неъматидир. Унинг шукрини адо этиш лозим. Зеро, Аллоҳ таоло: **«Ва Роббингиз сизга: “Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир”, деб билдирганини эсланг»,** деб огоҳлантиради (Иброҳим сураси, 7-оят).

Кейинги пайтларда ҳаж ёки умра ибодатига бориб келган айрим зиёратчиларнинг дабдабаю асъаса билан кутиб олиниши ҳақли равишда кўпчиликнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда: қимматбаҳо автоуловларда кутиб олиш, кўча бошидан пояндозлар солиш, “Ҳожи ошига!” деб юзлаб одамларни чорлаш, катта пул сарфлаб, маросимларни тўйларга, баъзан эса, шоуларга айлантириб юбориш ҳолатлари кўпайди. “Ҳожи ўтиришлар”ни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади, у гўё лозим ва лобуд нарсага айланган. Зиёратчиларни туя ёки отга миндириш ҳолати ҳаммасидан ўтиб тушди. Бу манзаралар тасвирга олиниб, интернет саҳифалари орқали бутун дунёга кўз-кўз қилиниши жуда ачинарли ҳол. Бу риё ва исрофдан ўзга нарса эмас.

«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У зот учун динни холис тутган ва тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни барпо қилишга ҳамда закотни адо этишга буюрилган эдилар» (Баййина сураси, 5-оят).

Яъни, мўминлар Аллоҳ таоло буюрган ҳар бир амални фақат У Зотнинг розилиги учун адо этиш ва ажрини фақат Унинг Ўзидан кутишга буюрилган.



«Садақаларни ошкор қилсангиз, бу қандай ҳам яхши! Агар уларни махфий қилсангиз ва фақирларга берсангиз, бу сиз учун яхшироқдир. Сиздан ёмонликларингизни кетказадир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир» (Бақара сураси, 271-оят).

“Ошкор қилинадиган садақалар” закот, ушр каби фарзлар, “махфий қилинадигани” эса, ихтиёрий ва нафл садақалардир. Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо мазкур оят тафсирида айтади: “Аллоҳ таоло нафл (ихтиёрий) садақанинг махфийсини унинг ошкорасидан етмиш баробар афзал қилди. Фарз садақанинг ошкорасини эса, махфийсидан йигирма беш баробар афзал қилди”. Демак, нафл ибодатларни махфий қилиш афзал ҳисобланади. Умра ҳам нафл ибодатлар сирасига киради.

Яхши амал қилгандан кейин унинг ажру савобини кетказиб қўядиган ишлардан, хусусан, риёдан сақланиш лозим. Баъзан риё бўлиши учун қилаётган амалини одамларга кўрсатиш ҳам шарт эмас, шунчаки, бирор махфий ибодатини “шу ишимни одамлар кўрганида эди...” деб орзу қилишининг ўзи етади.

Маҳмуд ибн Лабид розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар учун хавотир оладиган нарсаларимнинг энг хавфлиси**

– кичик ширк», дедилар. Саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули, кичик ширк нима?” дейишди. У зот: “Риё. Инсонлар амалларига яраша жазо ёки мукофот оладиган кунда Аллоҳ таоло риёкорларга: “Дунёда кимлар учун риё қилган бўлсангиз, ўшаларга боринглар. Қаранглар-чи, уларнинг ҳузурида бирон мукофот топармикинсизлар?!” дейди», дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳазрат Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Риёкорнинг уч белгиси бор: одамларни кўрганда ғайрати жўш уради, ёлғиз қолганида дангасалик қилади, ҳамма ишда мақталишини яхши кўради”.**

Исроф динимизда қаттиқ қораланади: **«Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар. Зеро, У исроф қилувчиларни севмас»** (Аъроф сураси, 31-оят).

«Қариндошга ҳаққини бер! Мискинга ва йўл ўғлига ҳам. Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма. Албатта, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Раббига ўта ношукр бўлгандир» (Исро сураси, 26–27-оятлар).

Айниқса, муборак зиёратдан қайтган мўминларнинг исрофга берилишларини сира оқлаб бўлмайди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ҳаж ва умра каби муборак сафарга насибаси кўшилиб, “Раҳмоннинг меҳмони” деган улуғ номга сазовор бўлганларга мана шундай исрофгарчиликлар ярашадими?!

4-бетда

Идора ҳаёти



ЯНГИ ЎРИНБОСАРЛАР...

2023 йил 4 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Олий ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.


2-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 8 январь куни Жидда шаҳрида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ ибн Фавзон Раба билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоевлар ўзаро алоқалар истикболлари ва 2023 йилги ҳаж мавсумини юқори даражада ташкил этиш масалалари муҳокама қилишди.

✓ Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ташаббуси билан қиш мавсумида юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларидаги кам таъминланган хонадонларга 210 миллион сўмлик кўмир ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ҳудудларда имом-хатиблар ҳам саховатпеша кишиларни жалб этган ҳолда 75 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

✓ Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманидаги “Ўтовли эшон” масжиди фаолият бошлади. Янги жоме Хоразм вилояти марказидан 200 км узоқда, Бухоро вилояти ва қўшни Туркменистон республикаси билан чегарадош. Жоме 250 нафар намозхонни ўз бағрида сиғдирадиган хонақоҳ, 10 кишилиқ таҳоратхона ва масжид ходимлари хоналаридан иборат. Шу билан юртимиздаги масжидлар сони 2118 тага, Хоразмда эса 98 тага етди.



Ниятнинг аҳамияти (Арбаин ҳадислари)

Ушбу ҳадис Ислоннинг мадори бўлган ҳадислардандир. Динимизнинг кўплаб ҳукмлари ниятга боғлиқдир.

Бу ҳадиснинг ворид бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Маккалик бир киши Умму Қайс исмли мадиналик бир аёлга уйланмоқчи бўлади. Аёл унга битта шарт билан – агар у Мадинага ҳижрат қилиб келсагина турмушга чиқишини айтади. Шунда у Мадинага ҳижрат қилаётган саҳобалар билан бирга ҳижрат қилиб келади ва ўша аёлга уйланади. Унинг хабари Пайғамбар алайҳиссаломга етганда ана шу ҳадисни айтганлар.

Бу ҳадисда Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам шаръий амалларнинг барчаси ниятга боғлиқлигини ва ҳар бир мўминдан содир бўладиган амал ният билан эътиборли бўлишини баён қилмоқдалар. Чунки ният тўғри бўлса, амал ҳам тўғри, ният бузуқ бўлса, амал ҳам бузуқ бўлади. Агар ният тўғри бўлиб, амал шариатга

мувофиқ бўлса, қабул бўлади. Агар ният бузуқ бўлса, амал ҳам рад этилади.

Уламолар мукаллаф мўмин кишининг амаллари ниятига кўра савоб берилишига иттифоқ қилишган. Намоз, ҳаж, рўза каби ибодатларда ният рукн ҳисобланади. Яъни, фақат ният билан дуруст бўлади. Аммо таҳорат, ғусл каби васила (восита) ибодатларда ниятни ҳанафийлар савобга эришиш, комил бўлиш шартидир, деганлар. Шофеъий мазҳаби уламолари эса ният амалларнинг дуруст бўлиш шартидир, дейдилар.

Ниятнинг вақти ибодатнинг аввалидадир. Аммо рўзада тонгни кутиш машаққатли бўлгани учун олдиндан ният қилса бўлади. Ниятнинг ўрни эса қалбдир. Шунинг учун ҳам жисмда қалбнинг мартабаси қанчалик баланд бўлса, амалда ниятнинг мартабаси шунча баланд бўлади.

Агар киши бирор солиҳ амални ният қилсаю, лекин уни адо этишга

касаллик, ожизлик ва шунга ўхшаш узрлар тўсиқ бўлса ҳам, унга савоб берилади. Имом Байзовий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Амаллар ниятсиз дуруст бўлмайди. Чунки амалсиз ниятга савоб берилади, ниятсиз амалга эса йўқ”.

Ушбу ҳадис бизга дунёда тавфиқ ва нажотга, охиратда эса ажр ва савобга эришишимиз учун амалларимизда ихлосли бўлишни ўргатади. Ҳар бир хайрли, манфаатли амал ният, ихлос ва Аллоҳ таолонинг розилигини талаб қилиш билан ибодатга айланади.

Хулоса қилсак, Аллоҳ таоло бандаларига уларнинг қалбдаги ниятига яраша ажр беради. Банданинг нияти бузилса, унинг устига мусибатлар ёғилади. Муслмон киши ҳар бир ишда, ҳар қандай ҳолатда ниятини тўғри қилиши, холис Аллоҳ таоло учун амал қилиши лозим. Шунда дунёда роҳат-фароғатда яшайди, охиратда юксак мақомларга ноил бўлади, иншоаллоҳ.

“Ал-вофий”, “Ал-мубийнул муъий” ва “Ал-мирқот шарҳу мишкат” асарлари асосида Қўқалдош ўрта махсус ислом билим юрти мударрисси Авазбек ЖУМАОЕВ тайёрлади.

Идора ҳаёти

1-бетда



Янги ўринбосарлар, янги ректор ва янги вакил тайинланди

Йиғилишда Олий ҳайъат аъзолари, Диний идора раҳбарияти, уламолар, мутахассислар ва мударрислар иштирок этди.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўрилди. Тошкентдаги “Новза” жоме масжиди имом-хатиби Жалолиддин Ҳамроқулов Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари лавозимига, Раиснинг

Ўшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимига эса, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори Уйғун Ғофуров тайинланди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси кафедра мудир, доктор, профессор, Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори лавозимига тайинланди.



Тошкентдаги “Абу Сахий” жоме масжиди имом-хатиби Абдуқаҳҳор Юнусов Ўзбекистон муслмонлари идораси Тошкент шаҳар вакили – бош имом-хатиби вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Ушбу масъулиятли, шарафли вазифаларни адо этишда устозлар ва имом-домлаларимизга Аллоҳ таоло куч-ғайрат ва муваффақиятлар ато этишини тилаймиз.

Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати

Набий алайҳиссаломнинг гўзал фазилатлари ҳақида*



Хусайн розийаллоҳу анҳунинг ўз оталари Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳудан келтирган ривоятлари сийрат ҳақида янада тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ушбу ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг умумий ҳолатлари, инсонлар билан алоқалари ва улар билан кундалик ҳаётдаги мулоқотлари борасида сўз юритилган.

Али розийаллоҳу анҳу шайхлар борасидаги машҳур ҳадисни айтадилар: “Фазилатли кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларидан эди. Уларга диндаги фазилатига қараб муомала қилар эдилар. Уларнинг эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилар эдилар”.

Ўз навбатида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни ҳам ўзгаларга кўмак бериш, эҳтиёжмандларнинг ҳожатини раво қилишга ундардилар.

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис ҳам шунга далолат қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди, уни (золимнинг қўлига) ташиб ҳам қўймайди. Кимки бир биродарининг ҳожати талабиди бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатида бўлади. Ким бир мусулмоннинг бирор машаққатини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиймат кунининг машаққатларидан бирини аритади. Кимки бир мусулмонни сатр қилса (айбини яширса), Аллоҳ таоло уни қиймат кунини сатр қилади”,** дедилар»¹.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимки бир мўминнинг дунёдаги қийинчиликларидан бирини енгиллатса, Аллоҳ унинг қиймат кунининг қийинчиликларидан бирини енгил қилиб қўяди. Кимки бирон иложсизга осон**


қилса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охирада осон қилади. Кимки бир мусулмонни сатр қилса, Аллоҳ уни дунё ва охирада сатр қилади. Модомики банд биродарининг кўмағида бўлар экан, Аллоҳ ҳам унинг кўмағида бўлади”, дедилар².

Абу Умома розийаллоҳу анҳудан ўзгаларга ёрдам беришнинг фазили ҳақида қуйидаги ҳадис ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Яхши амаллар ёмон ўлимдан сақлайди, махфий садақа Раббнинг ғазабини кеткази, си-лаи раҳм умрни зиёда қилади”,** дедилар³.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, қайси инсон Аллоҳга суюклироқ? Қайси амал Аллоҳга маҳбуброқ?” деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Инсонларнинг Аллоҳга энг суюклироғи инсонларга манфаатлироғидир. Аллоҳга энг маҳбуб амал – бир мусулмоннинг қалбига қувонч киргизиш, унинг машаққатини кетказиш ё унинг қарзини адо этиш ёки очлигини кетказишдир. Бир биродарининг ҳожатида юриш мен учун мана бу масжидда (яъни Масжиди Набавийда) бир ой эътикоф ўтиришдан маҳбуброқдир. Кимки ғазабини босса, Аллоҳ унинг айбини сатр қилади. Ким (жавоб қайтаришга, ўчини олишга) қодир бўла-туриб жаҳлини ютса, Аллоҳ қиймат кунининг қалбини умидга тўлдиради. Ким биродари билан унинг ҳожатини раво қилиб бергунча бирга юрса, Аллоҳ уни қадамлар тойиладиган кунда собитқадам қилади”,** дедилар»⁴.

Баро ибн Озйб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Кимки бирор уй ҳайвонини (сутини соғиб ичиш учун бировга) бериб турса ё кумуш (яъни пул) инфоқ қилса ёки (йўл сўраган, адашганга) йўл кўрсатиб қўйса, бир қул озод қилгандай бўлади”,** деганларини эшитдим»⁵.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан “Энг яхши амаллар қайси?” деб сўрашди. У зот: **“Мўмин биродаринг қалбига шодлик улашиш, унинг қарзини тўлаш ва унга нон бериш”,** дедилар»⁶.



Хусайн розийаллоҳу анҳу айтади: «Отамдан Набий алайҳиссаломнинг инсонлар билан қандай муомалада бўлганларини сўрадим. Отам: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиллари фақат фойдали нарсаларнигина гапирарди. У зот инсонларга гўзал муомала қилар, кўполлик қилиб, уларни нафратлантормас эдилар. Ҳар бир қавмдаги ҳурматли кишиларни эъзозлар ва уларни ўша қавмга бошлиқ қилиб қўярдилар. (Исломни янги қабул қилган баъзи) инсонлардан ўзларини эҳтиёт қилар, лекин очик юз ва табассум билан қарши олардилар. Улардан юз бурмасдилар. Бирор саҳобалари кўринмай қолса, суриштирар, ҳолати ва кайфияти ҳақида сўрар эдилар. Яхшилиқни маъқуллаб, қўллаб-қувватлар, ёмонликни номаъқул ҳисоблаб, унинг олдини олардилар. Ҳар бир ҳолат учун ечимлари бор эди. Мавъизани қисқа ҳам қилмас, меъеридан ошириб ҳам юбормас эдилар. У зотнинг наздиларида кишиларнинг энг яхшиси инсонларга энг кўп манфаати тегадигани эди. Бир-бирига ёрдам берадиганларни юксак мартабаларга лойиқ кўрар эдилар», деб жавоб берди».

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг
“Икки олам сарвари” асридан
Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ
таржимаси

¹ Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

³ Имом Табароний ривояти.

⁴ Имом Табароний ва бошқалар ривоят қилишган.

⁵ Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти.

⁶ Имом Байҳақий ва бошқалар ривоят қилишган.

Намозга доир фатволар

301-ФАТВО

Намозни тик турган ҳолда ўқиса, ўзига бирор зарар етадиган ёки касали зўрайишидан ёхуд тузалиши кечикишидан қўрқадиган, турса боши айланиб кетадиган беморлар ўтирган ҳолда ўқиши мумкин. Аммо тик туришида хиёл машаққат бўлса, у ўз ҳисобланмайди. Мазкур беморлар бирозгина тик туришга қодир бўлса ҳам, фарз намозни тик турган ҳолда бошлаб, руку пайтигача тоқат қила олмаса, ўтириб олиб намозни давом эттириши мумкин.

“Оламгирия”, “Кофий”, “Хулоса”

302-ФАТВО

Бирор нарсага суяниб ёки ҳас-сага таяниб тик туриши мумкин бўлган бемор фарз намозни ўтириб ўқиши жоиз эмас. Албатта, тик ҳолда ўқиши лозим.

“Оламгирия”, “Табйин”

303-ФАТВО

Ўз сабабли намозни ўтириб ўқийдиган одам ўзига қулай бўладиган ҳолатда ўтириши мумкин. Агар деворга ёки бирор инсонга суяниб ўтиришга эҳтиёж сезса, суяниб ўтириши жоиз. Аммо ётиб олиши мумкин эмас.

“Оламгирия”, “Захира”, “Табйин”

304-ФАТВО

Тик туришга, руку ва сажда қилишга қодир бўлмаган киши намозни ўтирган ҳолатда имо-ишора билан ўқийди. Бунда бошини рукуга камроқ, саждага кўпроқ эгади. Агар руку билан саждага боши бир хил эгилса, дуруст бўлмайди.

“Оламгирия”, “Қозихон”, “Ал-Баҳр”

305-ФАТВО

Тик туришга қодир, лекин руку ва саждага эгилишга ожиз киши намозни тик ҳолда имо-ишора билан ўқиса бўлади. Лекин ўтирган ҳолда ўқигани яхшидир.

“Оламгирия”, “Қозихон”, “Муҳит”

306-ФАТВО

Имо-ишора билан намоз ўқийдиган киши сажда қилиши учун бирор тахта, ёстиқ каби нарсаларни баланд қўйиб олиши дуруст эмас. Агар бошини эгмай, бирор нарсани пешонасига қўтариб сажда қилса, намози дуруст бўлмайди.

“Оламгирия”, “Хулоса”, “Музмарот”

5-бетда

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Банданинг иши амал қилишдир

Бир киши Ҳазратдан: “Намозлар нима учун беш маҳал фарз қилинган?” деб сўради. Ҳазрат: “Бурнингиз нима учун белингизга эмас, юзингизга ўрнатилган?” дедилар. У: “Белда бўлса, хунук кўринарди”, деди. Ҳазрат: “Ҳамманинг бурни белида бўлса, хунук кўринмас эди”, дедилар. У жим бўлиб қолди.

Аҳқар жомеъ (Шафеъ Усманий) айтади: «Ҳазрат: “Шаръий ҳукмларнинг кўплаб ҳикматлари маълумдир. Агар ҳаракат қилинса, янада кўпроқ нарсалар маълум бўлиши мумкин. Лекин Аҳкамунл ҳакимин (Аллоҳ таоло)нинг ҳукмларидаги сабаб ва ҳикматларни излайвериш бандага ярашмайди.

Чунки у бирор ҳукмнинг ҳикмати-ни билолмаса, унга амал қилиши оғир туюлиб қолади. Банданинг иши бандалик ва ҳукмга амал қилишдир. Ҳукмларга амал қилгани сайин ўз-ўзидан шаръий ҳукмларнинг ҳикматлари унга очилиб бораверади», деб кўп такрорлардилар. Чунончи, Ҳазратнинг ўзлари

шу мавзуда “Алмасолихул ақлийя фил аҳкамин нақлийя” номли алоҳида китоб таълиф этганлар.

Бир гал шунга ўхшаш савол берилганида қуйидагича жавоб бердилар: “Бу ишнинг ҳикмати бизга маълум, лекин уни айтиб бериш сен учун зарарлидир. Чунки шундай қилсак, сенга ҳар бир шаръий ҳукмнинг маслаҳат (фойда) ва ҳикмати-ни излаб юриш касали юқиб қолиб, эргашиш ва амал қилиш лозим бўлган асл буйруқ қолиб кетади”».

Айтдиларки, қайси табақада расм-русум қолиб келса, ҳақиқатлар беркилиб қолади. Сулук ва тариқатнинг асл мақсади вирдлар ва машғуллик эмас, балки ботини ислоҳ қилишдир. Модомики, ботин ислоҳ бўлмас экан, вирдлар ва машғулликнинг фойдаси мукамал бўлмайди. Аксинча, улар баъзида ушбу ва кибрга мубтало қилиши ҳам мумкин.

Агар ботиний амалларни ислоҳ қилиш йўли тасаввуф китобларида ёзилган бўлса, ўшани ўқиб, инсон ўзини ислоҳ қилаверади, шайхга зарурат йўқ дейилса, унга қуйидагича жавоб берамиз: “Баданига тегишли касалликларни даволаш

Ботин касалликлари табиби

йўллари ҳам тиббиётга оид китобларда батафсил ёзилган бўлса-да, нима учун одамлар ҳалигача табиб ва шифокорларга мурожаат қилишади?! Ботиний касалликлар масаласи ҳам худди шундай.

Агар яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, баданга оғриқ берадиган жисмоний касалликларни беморнинг ўзи ҳам сезади. Шунинг учун у табиб ва докторни излайди. Табиб касаллик сабабларини аниқлаб, шунга қараб дориларни белгилаб бериш учун керак бўлади. Истилоҳда “разоил” деб айтиладиган ушбу, ғурур,

такаббур, риё, ҳасад, дунё ҳирси ва ҳоказо ботиний касалликлар шундай яширин касалликларки, кўпинча инсон уларни пайқамайди ва ўзини бемор деб билмайди. Шунинг учун муолажа ва даволанишни ўйламайди. Унинг қандай касали бор эканини тариқат шайхларигина айтиб бера олиши мумкин. Зеро, улар ботиний касалликларнинг моҳир табибидирлар.

Табиб ва шифокор фақат икки-та иш қилади: беморга ташхис қўяди ва дорини белгилайди. Ботин табиби эса, қўшимча яна бир иш

қилади: ўзини саломат ҳисоблаб юрган кишидаги ботиний касалликни аниқлай олади. Бу кунларда ғафлат сабаблари кўпайиб кетгани учун одамлар ўзидаги ботиний касалликларга эътибор бермаяпти. Оммани кўйинг, ҳатто хослар ҳам бунга мубтало. Одам ўз касалликларидан фақатгина улуғларнинг суҳбати ва уларнинг китобларини ўқиш билан ёки бирор шайх танбеҳ бергандагина хабар топади.

📖 “Мажолиси ҳакимул умма” асаридан Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси.

Динимизни ўрганамиз

“Бисмиллаҳир роҳманир Раҳим” жумласи фикҳ китобларида қисқача “басмала” дейилади. “Бисмиллаҳир роҳманир Раҳим”нинг маъноси “Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳнинг номи билан (бошлайман)”, деганидир. Бу жумлада Аллоҳ таолонинг уч гузал исми жамланган:

Аллоҳ: Яратганнинг барча исм-сифатларини ўзида жамлаган, Ўз зоти-га хос бўлган исмдир. Кучли қавлга кўра, Исми Аъзамдир.

Раҳмон: жуда марҳаматли, саноксиз ва улуғ неъматлар ато этувчи, мўмину кофирларни, бутун махлуқотни бу дунёда неъматлантирувчи, бутун борлиққа шафқат ва раҳмат қилувчи.

Раҳим: раҳмати, шафқати, марҳамати устун бўлган, охиратда эса, фақат мўминларга раҳмати ва неъматларини эҳсон қиладиган Зот.

Басмаланинг кенг маъноси мана шу уч гузал исмни ўзида жамлаган. Бу исмлар ҳазрат Али розийаллоҳу анҳунинг Исми Аъзам дуосида ҳам бор.

Басмала Қуръони каримда 114 марта такрорланган.

Басмала айтишнинг маъноси

“Ишимни Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳнинг номи билан бошлайман. Унинг амри ва истаги билан шу ишнинг бошидаман. Унинг амри ва берган қуввати туфайли бажараман. Шу ишни адо этишда барча куч-қудрат Аллоҳдандир. У менга қувват бермаса, бу ишни бажара олмайман”.

Басмала айтишнинг фазилати

Ҳар қандай ўқиладиган ва бажариладиган машруъ, хайрли ишни табаррукан басмала ила бошлаш суннат бўлиб, муваффақиятга василадир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Басмала ила бошланмаган ҳар қандай муҳим иш нуқсонлидир”**, дедилар¹.

Басмала зикрдир, шукрдир, раҳматнинг калитидир. Басмала ҳар

хайрнинг бошидир. Алҳосил, раҳмат хазинасининг эшикбони Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлганлари каби, у эшикнинг очкичи “Бисмиллаҳир роҳманир Раҳим”дир.

Ҳадиси шарифда: **«Ким ҳар куннинг тонги ва оқшомида уч марта: “Аллоҳнинг номини зикр қилиш билан осмонлар ва ердаги бирон нарса зарар бера олмайди. У эшитувчи ва билувчи Зотдир” деса, унга ҳеч нарса зарар етказмайди»**².

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Таом еганда ё бирон нарса ичганда мана бу дуони ўқинглар: “Бисмиллаҳи ва биллаҳиллазий лаа язуру маъа исмиҳи шайъун фил арзи вала фис самааи я Ҳаййу я Қаййум”**. Ким шудуони ўқиб, сўнгра еб-ичса еган-ичганидан унга бирон хасталик келмайди, ҳатто ичида заҳар бўлса ҳам»³.

“Бисмиллаҳир роҳманир Раҳим” ҳар қандай китобнинг калитидир⁴.

“Инсон либосини ечаётганда басмалани айтса, унинг авратини жин-шайтонларнинг кўзидан тўсилади”⁵.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Киши уйига кирганида, таом ейишни бошлаганида Аллоҳни зикр қилса (басмалани айтса), шайтон: “Бу ерда бизга жой ва таом қолмади”, дейди. Агар уйига кирганида Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон: “Бу ерда бизга ҳам бошпана бор экан”, дейди. Таомланганда басмалани айтмаса, шайтон шерикларига: “Келинг, у билан бирга таомланамиз”, дейди»**⁶.

📖 “Фазилатли ибодатлар” китобидан

¹ Хотиб, Абдулқодир Руҳавий.

² Имом Абу Довуд, Имом Термизий.

³ Дайлабий.

⁴ Хотиб.

⁵ Имом Ҳоким. Ибн Абуд Дунё.

⁶ Имом Муслим, Имом Абу Довуд.

Бугуннинг гапи

📌 1-бетда

Аслида мўмин одам ўша табарруқ маконлардан ҳақиқий бандаликни ўрганиб қайтиши керак эмасми?!

Ҳаж ва умра ибодатини адо қилиб келганларнинг сиймоси ва хатти-ҳаракатида зиёратнинг самараси, файзи кўриниб туриши керак. Нафақат ўзлари, балки улар яшаб турган маҳалла ўзининг тартиб-интизоми, меҳр-муруввати ва

хайрли ишларда пешқадамлиги билан бошқалардан ажралиб туради, керак бўлса, ўртак бўлади.

Ҳожи фарз ва вожибларга олдингидан-да кўпроқ эътиборли, гуноҳ-маъсиятлардан олдингидан-да кўпроқ эҳтиёт бўлса, демак, у ҳақиқий маънода ҳаж ё умра қилиб қайтган бўлади.

Бу борада ўтган азияларимизнинг ҳаёти бизга ибрат. Улар Аллоҳ таолодан ҳаж ёки умрага

насибаларини қўшилишини сўраб йиғлаб-ёлворишган. Насибалари қўшилиб, сафарга бориб келганларидан кейин амалларининг қабул бўлишини сўраб, Аллоҳ таолога ёлворганлар. Биз ҳам ибодатларни холис адо этишга ва ҳар бир ишда исрофдан сақланишга астойдил киришайлик.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг рушду ҳидоятига муяссар айлсин!

Сўнгги Хоразмшоҳ – Ислом олами ҳимоячиси

Жалолиддин Мангуберди кўшини Ҳиндистонга чекинаётганда кўққисдан мўғуллар ҳужумига учрайди. Босқинчилар кўп инсонларни ўлдириб, бир қисмини асир олади. Улар орасида Жалолиддиннинг ёш жияни Маҳмуд ибн Мамдуд ҳам бор эди. Мўғуллар унга Кутуз – «қопағон ит» деган ном беришади. Кейинчалик у «Сайфиддин Кутуз» номи билан машҳур бўлади.

Кутузни мўғуллар Дамашқдаги кул бозорига олиб боришади. Ўша вақтда Миср ҳокимиятида бўлган аюбийлар кулларни сотиб олиб, уларни тарбиялаб кўшин тузишган. Сайфиддин Кутузни Ибн Займ сотиб олади. Ўзи ҳам мамлуклардан бўлган Ибн Займ ёш Сайфиддинга Ислом ва ҳарб илмидан сабоқ бера бошлайди. Орадан вақт ўтиб Кутуз Миср хукмдори Муизза Иззуддин Ойбекнинг хизматига киради ва унинг энг ишончли саркардаларидан бирига айланади.

1254 йили баҳрийлар амири Октой бошқа амирлар билан тил бириктириб, султон Ойбекка қарши бош кўтаради. 1257 йил Иззуддин Ойбек фитначилар қурбони бўлди. Сайфиддин Кутуз ўз ҳарбий кучидан фойдаланиб, Ойбекнинг 15 ёшли ўғли Мансур Нуруддинни тахтга ўтқазади. Шу орқали Кутуз ҳокимиятни қўлга киритди. Кутуз султон Ойбекнинг қаҳридан кўрқиб қочиб кетган Рукниддин Бейбарс ва бошқа мамлук амирларига мактуб ёзиб, улардан Мисрга қайтиб келишларини сўрайди. Шундан сўнг Бейбарс Мисрга қайтди. Кутуз Бейбарсни Ливия чўлидаги воҳаларнинг амири этиб тайинлайди.

1258 йил 20 февраль куни Хулоку бошчилигидаги мўғул кўшини Бағдодни ишғол қилиб, мусулмонлар халифаси Муътазимни қатл этади. Босқинчилар энди Араб ярим ороли сари юриш бошлайди.

Кутуз мўғуллар Мисрга ҳам бостириб келишини биларди. Бундай қалтис вазиятда у ҳокимиятни тўлиқ қўлга олишга киришди. У 1259 йил ов қилиш учун пойтахтни тарк этган 15 ёшли султон Мансур Нуруддинни тахтдан афдариб, ўзини султон деб эълон қилди. Лекин бу ишдан айрим амирлар норози бўлишди. Кутуз эса уларга: «Бу ишни ҳокимиятни эгаллаш учун эмас, мўғулларга қарши курашиш мақсадида амалга оширдим. Агар биз юриш қилиб мўғулларни енгсак, шунда

сизлар истаган одамни султон қилиб олишингизга рози бўламан», дейди. Шундан сўнг амирлар Сайфиддин Кутузни султон деб тан оладилар.

Сайфиддин Кутуз мўғуллар устига юриш қилиш учун ҳозирлик кўра бошлади. Шу пайт мўғуллар хони Хулокудан унга хат келди. Мактубда урушсиз тобе бўлишга чақирилиб, акс ҳолда мамлакатнинг кули кўкка совурилиши айтилганди.

Кутуз жавобни узоқ куттирмади. Мўғул элчиларининг бошларини танасидан жудо қилдириб, Қоҳира ва Баб Зувайла шаҳарлари дарвозаларига осиб қўйдирди. Кутуз душманга биринчи бўлиб зарба бериш учун ўз кўшини билан Фаластин сари йўлга отланди. Амир Рукниддин Бейбарс ўз тарафдорлари билан кўмакка келди.

Сайфиддин Кутуз Бейбарсга ўз кўшини билан ҳозирги Ғазо ҳудудига юриш қилишни буюради. Сабаби, бу ерда мўғуллар эгаллаб олган кичик қалъа бор эди. Миср султони Кутуз Қуддус қироллиги билан битим тузишга муваффақ бўлади.

Маълумотларга кўра, Хулокуга қарши кураш учун мамлуклар султони Сайфиддин Кутуз ва Беркахон иттифоқ тузган. Чунки Беркахон Кутуз каби хоразмшоҳлар авлодидан ҳисобланган. Келишувга кўра, Беркахон шимолдан, Кутуз эса жанубдан Хулокуга зарба бериши керак эди. Хулоку Сурияда кичик бўлинма қолдириб, Эрон томонга чекинади.

1260 йилнинг сентябрь ойида мўғуллар Иордан дарёсидан кечиб ўтишди. Бу ерда уларни Сайфиддин Кутуз кутиб турган эди. Икки кўшин Айнал-Жолут кенглигида тўқнашди.

Жангдан олдин Сайфиддин Кутуз устози Изиддин Абдусаломга агар бу жангга мағлуб бўлса, Байтуллох (Каъба) хатарда қолишини, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабрларига катта хавф пайдо бўлишини айтиб кўзларига ёш олади. Шунда Изиддин Абдусалом султон Сайфуддин Кутузга учта ишни бажаришни айтади. Биринчиси, барча жангчилар рўзадор бўлиши, иккинчиси, барча аскарлар тақвода бўлиши, учинчиси, жангга кираётганда баланд овозда такбир айтиш.

Эрта тонгда ҳар икки томондан ноғоралар чалиниб, уруш бошланди. Сайфуддин Кутуз

аскарларини руҳлантириб: «Бугун ўзимизни, фарзандларимизни, ерларимизни ҳимоя қилиш учун эмас, Ислом учун жанг қиламиз. Эй мусулмон жангчилари, ютқазсангиз, Ислом қўлдан кетади. Эй қудратли жангчилар, агар ютқазсангиз, ортингизда ётган Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳимоясиз қоладилар. Исломни топшириб қўйсак, эртага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нима деб жавоб берамиз? Эй Ислом аскарлари, Исломни ҳимоя қилинг!» дейди. Бу сўзларни эшитгач, Кутуз кўшини шундай такбир айтадики, бутун Айнал-Жолут водийи ларзага келди.

Мўғулларнинг ҳужуми Кутуз кўшинининг чап қанотини тарқатиб юборди. Шунда Сайфиддин Кутуз дубулғасини ечиб: «Ё Аллоҳ, қулинг Кутузга мўғулларни мағлуб этишга ёрдам бер», деб жангга киради. Бундан руҳланган мусулмонлар мўғулларга бор кучлари билан ҳужумга ўтишади. Бир неча соат ўтиб Кутуз кўшини душманнинг асосий кучини яқсон қилди. Мўғуллар ортга чекина бошлади. Лекин бу ҳали тўлиқ ғалаба дегани эмасди. Кутуз душманни Байт-Шеангача таъқиб қилиб келганида, душман аввалгидан ҳам кучлироқ ҳужум қилади. Бироқ бу ишлари самара бермайди. Кутуз кўшини мўғулларни яна мағлуб этди.

Бу жанг мўғулларнинг Ислом ўлкаларига бостириб киришни бошлаганидан бери биринчи катта мағлубияти бўлди ва қайсидир маънода уларнинг ғалабали юришларига якун ясади.

Душманни ер тишлатган Кутуз отдан тушиб ерни ўпиб, ғалаба шукронасига икки ракат намоз ўқиди. Музаффар Сайфиддин Кутуз Айнал-Жолутдаги ғалабасидан сўнг Мисрга дарҳол қайтмади. У мўғулларни таъқиб қилиб, Шом диёрларидан бутунлай қувиб чиқаради.

Сайфиддин Кутузнинг жасорати Айнал-Жолутда мўғулларни мағлуб этганида эмас, балки Ислом умматини мағлубият ботқоғидан олиб чиқиб, ғалаба сари етаклаганида эди. Афсуски, мусулмонлар орасидаги ўзаро низо туфайли Кутуз Мисрга етиб бора олмади. Султон Мисрга қайтаётганида фитна оқибатида хиёнаткорона ўлдирилди.

Сардор АЛИ

Масала

3-бетда

307-ФАТВО

Пешонасида жароҳати бор киши намозни узрим бор, деб имо-ишора билан ўқиши мумкин эмас. Балки саждада бурнини ерга теккизиб намоз ўқиши керак.

“Оламгирия”, “Захира”

308-ФАТВО

Намозни ўтириб ўқишга мадори етмайдиган одам орқаси билан ётиб, оёқларини қибла томонга узатиб, боши остига ёстиқ қўйиб, ишора билан ўқийди.

“Оламгирия”, “Кофий”, “Ас-Сирож ал-вахҳож”

309-ФАТВО

Соғлом одам намоз асносида тик тура олмайдиган хасталикка чалинса, ўтирган ҳолда имо-ишора билан намозини давом эттиради. Ўтиришга ҳам мажболи етмаса, ётган ҳолатида давом этади.

“Оламгирия”, “Табийн”

310-ФАТВО

Узр билан ўтириб намоз ўқийётган одам намозда тузалиб қолса, намозни тик турган ҳолда давом эттиради. Бу Абу Ҳанифа билан Абу Юсуф раҳимахуллоҳлар сўзидир.

“Оламгирия”

311-ФАТВО

Имо-ишора билан намоз ўқийётган одам намоз ичида руку ёки саждага ишора қилганидан кейин тузалиб қолса, намозини бошидан қайта ўқийди. Агар руку, сажда қилмасидан бурун тузалса, ўқишни давом эттираверади.

“Оламгирия”, “Ҳидоя”, “Жавҳара”

312-ФАТВО

Боши билан ҳам имо-ишора қилиб намоз ўқишга қодир бўлмаган киши кўзлари ёки қошлари билан имо-ишора қилиб намоз ўқимади. Соғайгач ёки касали енгиллагач, ўқийди. Агар у бир кечаю кундуздан ортиқ намоз ўқий олмаган бўлса, қазосини ўқимади. Агар ундан кам бўлса, ўқийди.

“Оламгирия”, “Қозихон”, “Захирия”

Ўтириб намоз ўқийдиган кишилар ҳам қироат, тасбеҳ ва ташаҳхудни худди соғлом одамдек ўқишади.

“Оламгирия”, “Татархония”

314-ФАТВО

Бемор киши қиблага ўгирилиб олишга кучи етмаса ёки ёрдам берадиган одам ҳам топа олмаса, намозини қайси томонга қараб ўқиса ҳам бўлаверади. Кейин қайта ўқимади. Аммо қиблага қаратиб қўядиган одам бўлатуриб, ундан ёрдам сўрамай, бошқа томонга қараб ўқиган намози дуруст бўлмайди.

Шунингдек, бемор ётган тўшак нопок бўлса ва уни ўзи алмаштира олмаса, ёрдам берадиган одам ҳам бўлмаса, ўша тўшакда намозини ўқийверади. Бироқ одам топса, албатта, ундан ёрдам сўраши шарт.

“Оламгирия”, “Муҳит”

7-бетда

Дорул Ислон
(араб. — *ислом ди-
ёри*) — Ислон дини
таълимотига кўра,

барча ёки кўпчилик аҳолиси Ислон динига этикод қиладиган, давлат ишлари ва мамлакат ҳаёти исломий қонун-қоидалар (шариат аҳкомлари) асосида тартибга солинадиган, жамият ва халқ ҳаётида исломий қонун-қоидалар, урф-одатлар устун бўлган мамлакат. “Дорул Ислон” тушунчасига қарама-қарши тушунча сифатида “дорул куфр” ёки “дорул ҳарб” тушунчалари ишлатилади.

Таъкидлаш жоизки, “Дорул Ислон” ва “дорул куфр” тушунчалари Ислон тарихининг муайян даврига хос фикҳий атамалар бўлиб,

Дорул Ислон қандай юрт?

бўлган, диний
этикод эркинли-
ги таъминланган
дунёвий давлат-

уларнинг аниқ таърифи борасида уламолар томонидан яқдил фикр билдирилмаган. “Дорул Ислон” Қуръони карим ёки ҳадиси шарифлардан олинган истилоҳ бўлмасдан, уни биринчи бор Имом Абу Ханифа қўллаган. Имом Шофеъий раҳимаҳуллох: “Ислон диёри Ислон ҳукмлари зоҳир бўлган ердир”, деган.

Ҳозирги замонда сиёсий тузуми Ислон қонунларига асосланган теократик давлатларгина эмас, балки аҳолисининг кўпчилиги Ислон динига этикод қиладиган, мусулмонларнинг ибодат қилишлари ва

диний расм-русумларни амалга оширишлари учун барча шарт-шароит яратилган ёки бунинг учун тақиқлар ёки чекловлар қўйилмаган дунёвий тузумдаги давлатларга нисбатан ҳам “Дорул Ислон” тушунчаси қўлланилади.

Айрим диний-экстремистик гуруҳлар куч ишлатиш йўли билан сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш, бунинг учун эса диний ва дунёвий билим даражаси паст бўлган сиёсий онгсиз кишиларни ўз ортларидан эргаштириш мақсадида аҳолисининг кўпчилиги мусулмон

лар, баъзида эса ҳатто сиёсий тузуми кўп жиҳатдан Ислон қонунларига асосланган Саудия Арабистони каби давлатларга нисбатан ҳам “дорул куфр” ёки “дорул ҳарб” атамаларини қўллашмоқда.

Ислоний адабиётларда “Дорул Ислон” тоифасига кирувчи мамлакатларга нисбатан “*дорут тавҳид*” (яккаҳудолик диёри), “*дорус салом*” (тинчлик диёри), “*дорул амн*” (хавфсизлик диёри) каби номлар ҳам қўлланилади.

Ўтқир ҲАСАНБОВЕВ

Ибрат

Дорихона сотувчиси Абдуқаҳҳор узатган қоғозга кўз югуртириб, унда номи ёзилган дори нархини айтди. Бола бўшашганча: “Пулим етмас экан”, дея минғирлади. Шу пайт ортдан овоз эшитилди: “Етмаганини мен тўлавораман”. Бола ҳайратда қолди. Сахий одамга қандай миннатдорлик айтишни билмай, қайта-қайта “раҳмат” деганча дорихонадан чиқди.

Буви неварасининг қўлидаги дорини кўриб кўзлари чакнаб кетди. Кампирни анчадан бери оёғи безовта қилар эди. Пенсия пулига дори олай деса, рўзғордан орттиролмади.

“Чемпион бола”

12 ёшли Абдуқаҳҳор эса бувининг аҳволини кўриб, дорига пул йиғишни ният қилганди. Ҳар куни эрталаб мактабга кетаётганида тушлигига деб бериладиган пулларни тежай бошлади. Буви бундан хабардор эди, аммо дори сотиб олишга етадиган маблағ йиғилишига ишонмаганди. Унинг саволомуз қарашига тушунган Абдуқаҳҳор тўплаган пули дорига етмаганини, бироқ қолганини нотаниш бир киши тўлаб юборганини айтди. “Нима сабабдан бундай қилганини тушунмадим,

ахир одам бегонага ҳам ўзидан ўзи ёрдам бериши мумкинми?” дея ажабланганини ҳам яширмади. Буви жилмайганча неварасига боқиб: “Яхши одам экан, у кишининг ҳаққига дуо қилиб қўйиш керак”, деди. Абдуқаҳҳор “хўп” дея бош ирғади.

— Мусобақада ғолиб чиққанинг эсингдами, болам? — буви сўзида давом этди. — Шоҳсупада турганингда бўйнингга медал илиб қўйишган эди. Сен ғолиб сифатида тақдирландинг. Бугун эса ўша ҳолатбарор одамга

ҳам, сенга ҳам медал тақишди. Фақат инсонлар эмас, фаришталар тақишди... Ҳамиша марҳамат, раҳм-шафқат, савоб мукофотини қўлга киритиб юр, болам. Зинҳор бўйнингга лаънат, ғазаб, гуноҳ тавқи осилмасин. Ёмонликлардан сақланиш, хайрли амаллар қилиш учун сенда ҳар доим имкон бор. Худди мусобақада жидду жаҳд, ихлос билан ҳаракат қилганингдек, бу борада ҳам ихлосингни, тайёргарлигингни кучайтир. Илоҳим, савоблар жамламаси бўйича ҳам “чемпион бола” бўлиб юр.

Сардор ҚУРБОНОВ,
Тошкент

Тарбия

Беш яшар боламнинг “Аяжон, ёлғон гапирманг, Аллоҳ кўриб турибди” деган гапидан уялиб кетдим. Аслида унинг соғлигини ўйлаб, ширинлик бермаслик мақсадида шоколад туғганини айтгандим. Демак, бола алдаш ёмон одат эканини тушунади, унга ёлғон гапириб бўлмайди.

Афсус, болаларга ёлғончилик борасида ўзимиз ўрнатган бўламиз. Мисол учун, фарзандингиз отоналар йиғилиши ҳақида сўз очса: “Вақтлари йўқ дейсанми, бирор нима деб баҳона топарсан”, дея қўл силтайсиз. Ёки ўқитувчи берган вазифаларни тайёрлаб ўтирган болангизга: “Эртага, яхшиси, мазам бўлмай қолди, дея мактабга бормаи кўяверасан”, деб унга баҳона топиб берасиз. Натижада нима бўлади? Бола онгида “ёлғон сўзласам бўлаверади” деган тушунча шаклланади. Мурғак қалбда ахлоқан бузилиш юз беради.

“Аяжон, ёлғон гапирманг, Аллоҳ кўриб турибди...”

— Фарзандимизга ниманидир ваъда қилсак, албатта, уни бажаришимиз зарур, — дейди Қамаша туманидаги Чим жоме масжиди имом-хатиби Абдулазиз Абдуллаев. — Акс ҳолда биз ёлғончи бўламиз. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким бир гўдак болага: “Мана буни ол” деса-ю, ҳеч нарса бермаса, у одам ёлғончи бўлади”**, дейдилар. Ёлғончилик мўминликка хос бўлмаган амалдир. Бу йўсиндаги тарбия фарзандингизнинг сизга бўлган ишончини йўқотади. Ҳар бир ўғил-қиз ота-онасини ўзига намуна деб билади ва уларнинг гап-сўзи, хатти-ҳаракатларидан ўрнат олади.

Кузатишларга кўра, инсонлар кун давомида бажарадиган ҳаракатларининг кўп фоизи ёлғондан

иборат экан. Психология ҳам одамларда ҳақиқатдан кўра, ёлғонга мойиллик кучлилигини тасдиқлайди. Бу сизни таажжублантириши табиий. Хаёлингизда “мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаман-ку” деб ўйлашингиз мумкин. Хулоса чиқаришга шошилманг. Сўзлаётган ҳар бир гапингизни таҳлил қилиб чиқинг, ростларингиз қанча фоизни ташкил этаркин? Ишончимиз комил, натижа сизни хурсанд қилмайди.

Ёлғон ортидан ака-укалик, опа-сингиллик ришталарининг узилиши, оилалардаги ажрашишлар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тўғри йўлдан адашиши каби ачинарли ҳолатлар юз бериши ҳеч кимга сир эмас.

Динимиз ҳар бир мусулмонни ростгўйликка чақиради. Рост гапирган инсонга ҳамиша яхшиликлар ёғилиши, жаннат эшикларини очилиши ҳадисларда келтирилади. Донишмандлардан бири бундай деган экан: “Агар ёлғон

ҳам ҳақиқат сингари бир хил бўлганда-ку, аҳволимиз анча енгиллашарди. У ҳолда биз ёлғон сўзлаётган одамнинг гапини тескари тушуниб кўя қолардик. Лекин ҳақиқатнинг акси бўлган ёлғоннинг минглаб қиёфаси бор ва унинг ҳад-чегараси йўқдир”.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қачонки бир банда ёлғон гапирса, у гапнинг сассиқлигидан узоқлашади”**, деганлар. Тасаввур қилинг, инсонни доимо ҳимоялаб турадиган фаришталар ҳам ёлғончидан узоқлашар экан.

Демак, инсон ўз-ўзидан ёлғончи бўлиб қолмайди. Ҳаммаси болаликда олинган тарбия ва кўникмага боғлиқ. Шундай экан, фарзандларимиз кўз ўнгида ёлғон гапиришдан, сохта ҳаракатлардан ўзимизни тийишимиз керак.

Хувайдо ХЎЖАМҚУЛОВА,
журналист

Абдуллоҳ ибн Суҳайл

Абдуллоҳ ибн Суҳайл ибн Амр розийаллоҳу анҳу милодий 594 ёки 596 йили Маккада туғилди. Шарафли оиланинг фарзанди, илк мусулмонлардан бири бўлди. Бадр, Уҳуд, Ҳандак, Хайбар, Макка фатҳида иштирок этди. Отаси Суҳайл ибн Амр Макка фатҳидан сўнг Исломни қабул қилди. Укаси Абу Жандал ҳам буюк саҳобалардан.

Абдуллоҳ биринчилардан бўлиб Исломни қабул этса-да, бир неча муддат эътиқодини яшириб юрди. Бир куни отаси Суҳайл ибн Амр (мусулмон бўлишидан олдин): “Эй Абдуллоҳ, отанг ва уканг билан маслаҳатхонага чиқмайсанми? Ёки биз билан бирга ўтиргинг келмаяптими?” дея ўғлини ўзи билан олиб кетишга чоғланди. Абдуллоҳ: “У ҳам, бу ҳам эмас. Мажлисларингда Муҳаммадни ғийбат қилишдан тўхтамайсиз. Ахир у сизларга нима қилди?! Айтинг, отажон!” деб сўради. Суҳайл ибн Амрнинг бироз жаҳли чиқиб: “Нима қилди дейсанми? У динимиз ва бутларимизни айблади”, деб жавоб қайтарди. Шунда Абдуллоҳ: “Бутларингизни ўзингиздан кўра кўпроқ ҳимоя қиласизлар?! Бошингизга мушкул иштушса, ўша илоҳлардан нажот тилайсизлар?! Сизлардан рози бўлишлари учун уларга атаб қурбонликлар қилардингиз. Демак, улар сизсиз ҳам ўзини ҳимоя қила оладилар. Муҳаммадни ўша бутларга қўйиб беринглар. Ўзлари унинг адабини бериб қўйишади. Ёки олиҳаларингизнинг қудратига шубҳангиз борми?” Лекин Суҳайл фикрини ўзгартормади.

Хурсанд ҳолда уйга кириб келган отасига Абдуллоҳ бундай деди: “Отажон, бугун уйга қайтаётганингизда Муҳаммаддан эшитганларингиздан жуда ажабланибсиз. Сиз Қурайшнинг энг фасоҳатли кишисиз. Лекин фасоҳат ё эгасининг зарарига ёки фойдасига ишлаши мумкин. Худди ўткир қилич каби: у билан зулм қилинади ёки у билан зулм бартараф этилади. Отажон, бугун Муҳаммад ҳақида айтганларингиз ҳақиқатга тўғри келмайди. Тилнинг ростлик билан соқов бўлиши, ноҳақлик билан фасоҳатли бўлишдан яхшироқдир”. Суҳайл ибн Амр: “Сен худди Муҳаммаднинг асҳобларига ўхшаб унинг тарафини оляпсан. Эй Абдуллоҳ, у билан бирга ўтирдигми ёки диндан қайтган поччанг Абу Ҳузайфа ибн Утба ё синглинг Саҳланнинг сўзларини эшитдигми?” деб сўради. Абдуллоҳ:



«Сизларни! Ўзингизни! Ақлимни танибманки сизлар Муҳаммадни: “Муҳаммад ишончли, Муҳаммад энг ростгўй ва меҳрибон қариндош”, дейсизлар. Бугун эса уни сеҳргар, каззобга чиқармоқдасиз. Агар бугун сизни тасдиқласак, аввалги гапларингиз ёлғон бўларкан-да?! Бундай бўлиши мумкин эмас!»

Макка мушриклари Абу Жаҳл, Умайя ибн Халаф кабилар Набий алайҳиссаломни ёмон сўзлар билан масҳара қилишди. Суҳайл ибн Амр бу манзаранинг гувоҳи бўлди. Уйга келиб: “Улар масҳара қилаверишгандан Муҳаммаднинг юзида кароҳиятни кўрдим. Аввал уни бу ҳолатда кўрмаган эдим”, деди. Абдуллоҳ: “Муҳаммад уларга қандай жавоб қайтарди?” деб сўради. Отаси: “Уларга қарамади ҳам”, деди. Абдуллоҳ: “Отажон, Муҳаммаднинг кечиримли экани, фаҳш сўзларни айтмаслиги, уларга қарамаганининг сизга нима дахли бор? Қачондан бери бузқлик қувватга, ифбат заифликка айланиб қолди. Отажон, сиз ҳам анави пасткашларга шерик бўлдингизми?” деб норозилик билдирди. “Абдуллоҳ, Қурайшнинг икки улуғини пасткаш дейишга ҳақинг йўқ. Тағин менга, сиз ҳам ўша пасткашларга шерик бўлдингизми, деяпсан. Қани одоб? Мен ундай қилмадим. Бу менинг табиатимга тўғри келмайди”, деб жавоб қилди отаси.

Кунларнинг бирида Абдуллоҳ отасига ўзининг мусулмон бўлганини айтишга қарор қилди: “Отажон, фарзандингиз иккиюзли мунофиқ бўлиши сизни хурсанд қилладими? Ичидагини яширадиган кўрқоқ бўлиши ҳам ёқадими?!” Суҳайл ибн Амр: “Йўқ, албатта”, деди ҳайрон бўлиб. Абдуллоҳ: “У ҳолда билингки, эй ота, мен Исломга кирдим, Муҳаммадга эргашдим, Лот ва Уззога кофир

бўлдим”, деди. Шу воқеадан сўнг у Ҳабашистонга ҳижрат қилди.

Кунлар ўтиб Суҳайл ибн Амр Ҳабашистондан қайтган ўғлини яна ҳижратга кетиб қолмаслиги учун қамаб қўймоқчи бўлди. У бир неча кишиларни уйига олиб келиб, қавм улуғлари деб таништирди. Абдуллоҳдан Ислом ҳақида эшитишни исташлари, агар қизиқишса, динни қабул этишларини ваъда қилди. Ҳеч бўлмаганда мен билан бирга ҳимоя қилишди, деб найранг ишлатди ва Абдуллоҳнинг оёқларига кишан солиб қўйди.

Мусулмонларнинг Абу Суфён карвонини қуршовга олишганини эшитган қурайшликлар жангга ҳозирлик кўра бошлашди. Улар орасида Суҳайл ибн Амр ҳам бор эди. Отасининг кетаётганини кўрган Абдуллоҳ: “Отажон, сизни кўриб, менда ҳам жанг учун қувват пайдо бўлди. Занжирни ечинг. Сиз билан бирга чиқиб жанг қиламан”, деди.

Бадр жанги бошланишидан олдин пайт пойлаб турган Абдуллоҳ мусулмонлар тарафига ўтиб олди.

Макка фатҳи куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам омонлик берарканлар, ўз асҳобларига: “Ким Суҳайл ибн Амр билан кўришса, унга кўзини қадмасин. Суҳайл ақл ва шараф эгасидир. Суҳайл кабилар Исломни танимаслиги мумкин эмас”, деб марҳамат қилдилар. У зот алайҳиссаломнинг ушбу муборак муждаларини отасига Абдуллоҳ биринчилардан бўлиб етказди. Суҳайл ибн Амр мусулмон бўлди.

Абдуллоҳ ибн Суҳайл Ямома жангида жасорат кўрсатиб ҳалок бўлди. Холид ибн Валид унинг жасади ёнига келиб ушбу сўзларни айтади: “Эй Абдуллоҳ, Фирдавс жаннати сенга муборак бўлсин. Сен ўз вазифангни бажардинг ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сендан рози ҳолда вафот этдилар”.

Абдуллоҳнинг вафотидан иниси Абу Жандал унсиз йиғлади. Шунда отаси Суҳайл ибн Амр розийаллоҳу анҳумо: “Йиғини бас қил. Абдуллоҳ энди биздан кўра яхшироқ инсонлар орасида, ҳаётимиздан кўра яхшироқ ҳаётда. Биз ўзимиз учун йиғлашимиз керак. Чунки қолган ҳаётимизда бизни нима кутаётганини билмаймиз”, деди.

Манбалар асосида

Иқбола НАРИМОНОВА тайёрлади.

Масала

5-бетда

315-ФАТВО

Беш маҳал намоз вақтида ҳушсиз ётган одам ўша намозларнинг қазосини ўқийди. Мажнунликка (руҳий касалликка) учраган кишининг ҳукми ҳам худди шундай.

“Оламгирия”, “Табйин”

316-ФАТВО

Беш маҳал намоз вақтидан кўп ақл-ҳушсиз ётган одам у вақт намозлар қазосини ўқимади.

“Оламгирия”, “Хулоса”

317-ФАТВО

Рамазон ойида рўза тутса, дармони куриб, намозни тикка ҳолда ўқиёлмайдиган, рўза тутмаса, тик туриб ўқий оладиган одам рўза тутиб, намозни ўтирган ҳолда ўқиши керак бўлади.

“Оламгирия”, “Муҳит”

319-ФАТВО

Бемор агар тик туриб намоз ўқиса, пешоби ёки жароҳатидан йиринг оқиб кетадиган бўлса, намозни ўтириб ўқийди.

“Оламгирия”, “Сирожия”

320-ФАТВО

Бошини баланд кўтаришда душмандан хавфи бор одам, намозни ўтирган ҳолда ўқиши мумкин.

“Оламгирия”

321-ФАТВО

Киши беморлигида қазо қилган намозларини соғайгач, ўтириб ёки имо-ишора билан эмас, балки соғлом кишидек рукнларни тўла бажарган ҳолда ўқиши шарт.

“Оламгирия”, “Муҳит”

322-ФАТВО

Бемор киши соғлом вақтида ўқимаган қазо намозларини ўтирган ҳолда ёки имо-ишора билан ўқиши мумкин.

“Оламгирия”, “Сирожия”

323-ФАТВО

Агар намозхон бир одам ёнида ўтириб олиб қачон руку ва қачон сажда қилиши кераклигини айтиб турмаса, намоз ўқий олмайдиган даражада фаромушхотир бўлса, шундай қилиб ҳам намозни ўқиса бўлади.

“Оламгирия”, “Қуния”

324-ФАТВО

Жума намозига чиқа олмаган касал одам имомнинг фориг бўлишини кутиб, ундан кейин пешин намозини ўқигани яхшидир. Жума намози ўқиладиган вақтда пешин ўқиш макруҳдир.

“Оламгирия”, “Музмарот”

“Минг бир фатво” китобидан

Қушнинг патларидек тўзғиган гуноҳ

Бир киши донишманд ҳузурига бориб бундай деди:

— Мен ғийбат ва ташмачилик қилиб қўйдим. Бу қилмишимдан пушаймонман, тавба қилмоқчиман. Тавбам қабул бўлиши учун нима қилсам бўлади?

Донишманд:

— Эртага битта пар ёстиқ олиб майдонга кел, — деди.

У эртаси куни майдонга пар ёстиқ кўтариб келди. Донишманд унга пар ёстиқни ёриб, ичидаги патларни тўкишни буюрди. Ёстиқдан тўкилган майин қуш патларини шамол учириб, узоқ-узоқларга — ҳовлилар, далалар ва анҳорларга олиб кетди.

Донишманд:

— Энди уларнинг ҳаммасини йиғиб кел, — деди.

Одам хайрон бўлди:

— Уларнинг ҳаммасини йиғиб бўларканми?! Бунинг сира ҳам иложи йўқ! — деди.

Донишманд:

— Одамлар ортидан гапирган гапларинг ҳам шундай тарқалиб кетди. Уларнинг қаерларга ча етиб борганини била олмайсан. Шунинг учун ғийбатини қилиб

қўйган одамларингга яхшиликлар қил. Илгари хатоларини гапирган бўлсанг, энди яхшиликларидан сўзла. Олдин хафа қилган бўлсанг, энди севинтир. Шоядки, шунда уларни рози қилиб, нажот топсанг, — деди.

Дамин ЖУМАҚУЛ
таржимаси

Ёшлар тарбияси

Ҳар нарсада қонун-қоида бўлгани каби, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда ҳам ўзига яраша қоида ва одоблар мавжуд. Бугун дунё бўйича сон-саноксиз одамлар интернет хизматларидан фойдаланадилар, ахборот алмашадилар, турли масалаларни ҳал қиладилар. Интернет пайдо бўлгандан бери баъзилар уни ижобий баҳолашса, баъзилар салбий томонларини гапирди. Бу масалада мақбул қараш шуки, интернет ҳам телевизор, радио каби бир восита. Уни яхшиликка ишлатсак — яхши, ёмонликка ишлатсак, ёмон нарсага айланади. Демак, бизнинг энг муҳим вазифамиз — интернетдан ёмон мақсадда фойдаланаётган инсонларга, айниқса, ёш авлодга тўғри йўлни кўрсатиш, зарарли оқибатлардан огоҳлантириш. Бошқа томондан эса, ижтимоий тармоқларда динимиз ва миллий қадриятларимизга зид нарсаларни тарғиб қилаётган шахслар таъсирига тушиб қолмаслик йўлларини ўргатишдир.

Афсуски, ижтимоий тармоқларда мусулмонлар бир-бирини ҳақорат қилиши, туҳмат, ҳатто бўҳтон қилиши, обрўига путур етказиши, ғийбат қилиши, ўзининг она юрти ва жамиятда фитна уруғларини сочиши кўп учрайди. Энг ачинарлиси, тарқатилган ёлғон маълумотлар оқибатида инсоннинг обрўи ва шаъни топталмоқда, таъна тошлари отилмоқда, динимизда қайтарилган катта гуноҳларга йўл очилмоқда. Зеро, бирор мусулмоннинг шаъни ва обрўсини тўкиш худди қонини тўкиш ёки молини ўзлаштириш каби бошқа мусулмон учун ҳаромдир.

Ижтимоий тармоқдан фойдаланиш одоблари



Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар: «**Жаброил алайҳиссалом мени осмонга олиб чиққанда, бир қавмнинг олдида ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, у билан юзлари ва кўксиларини тимдалашар эди. Мен: “Эй Жаброил, булар кимлар?” деб сўрадим. Шунда: “Улар одамларнинг гўштини еб — уларни ғийбат қилиб, обрўларини тўккан кимсалардир”, деб жавоб бердилар**» (Имом Абу Довуд ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан динимизда инсоннинг шаъни, обрўси қанчалик қадрли экани, уни поймол қилишнинг оқибати аянчли экани маълум бўлмоқда. Интернет орқали, ижтимоий тармоқлар орқали террорчилар ўзларига тегишли веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда «шаҳидлик», «жиход», «ҳижрат», «такфир», «халифалик» каби тушунчаларни бузиб талқин қилиш натижасида айрим ёшларни ўзларининг тузоқларига илинтиришга муваффақ бўлишаётгани ачинарли ҳол, албатта. Ижтимоий тармоқлар орқали динимизга бўлаётган зарарлардан яна бири ҳар

бир юртнинг пешқадам олимларини таҳқирлаш, туҳмат-бўҳтон сўзлари билан обрўсизлантириш, уларни нифокда, куфрда айблашдир. Уларнинг бундан ўйлаган мақсадлари мусулмон оммасини илмий раҳбарсиз қолдириб, ўзларига эргаштириш ва бошқаришдир. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолган ёшлар бошқалар билан жонли мулоқотда қийналади, одамови бўлиб қолади, дўстлашишда адашади. Фақат ижтимоий тармоқда топган «дўст»ларининг фикри билан иш кўрадиган бўлиб қолади.

Албатта, ижтимоий тармоқни буткул ёмонга чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Бугунги куннинг талаби — интернетнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиб, дунё-охиратимизни обод этадиган, одамларга манфаат келтирадиган ишларни қилишдир. Ҳар бир мусулмон ҳаётда қандай умуминсоний ва диний қоидаларга амал қилиши лозим бўлса, интернетдан фойдаланишда ҳам шу қоидаларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда, турли номақбул ва гуноҳ ишларга аралашиб қолади. Демак, яқинларимиз, айниқса ёшларни ижтимоий тармоқнинг салбий жиҳатлари ва оқибатларидан ҳимоя қилиш, доимий тушунтириш ишларини олиб бориш — ҳар биримизнинг бурчимиздир!

Обиджон ИСМОЙЛОВ,
Сариосиё тумани
«Имом Низомиддин Сангардакий»
жоме масжиди имом-хатиби

Газетхон илҳами

Тавба қилинг

Аллоҳнинг уйига кирганда, дўстлар, Дунё ташвишларин унутингизлар. Ҳар бир лаҳза, билинг, ғанимат сизга, Яратганга тавба қилинг, азизлар.

Аждодларингиз-чи, ётибди гўрда, Биз ҳам кетмоқдамиз ҳар куни йўлда. Саждага қўйингиз азиз бошингиз, Яратганга тавба қилинг, азизлар.

Молу дунёнинг ҳавасин қилманг, Билсангиз баридан имон яхшироқ. Имкон қилолсангиз бўлинг бир чироқ, Яратганга тавба қилинг, азизлар.

Ҳеч бир кимса журғат эта олмайди, Эгамнинг қонунин четлаб ўтишга. Нафс балосига дуч бўлиб юрмасдан, Яратганга тавба қилинг, азизлар.

Ажал фариштаси тутганида даст, Тўхтар унда ҳар бир олинган нафас. Вужудни тозалаб, артиб гардини, Яратганга тавба қилинг, азизлар.

Шуҳрат ТОИРОВ,
Сергели тумани

Давлат

Мен давлатни не қилгум,
Юрганим ўзи давлат.
Мен давлатни не қилгум,
Кўрганим ўзи давлат.

Нодон билан суришма,
Баҳс бойлама, тортишма.
Вақт бир олий ҳакамдир,
Юрганим ўзи давлат.

Умринг елга совурма,
Илм ол, хунарли бўл.
Мақсадлар сари интил,
Турганим ўзи давлат.

Эл-юрт учун хизмат қил,
Яхши ниятли бўлгин.
Ҳақ қошига ёруғ юз-ла
Борганим ўзи давлат.

Саидолимжон ҲОТАМОВ,
Яккабоғ тумани

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Abdulaziz MANSUR
Ibrohim INOMOV
O'tkir HASANBOYEV
Alisher ESHIMOV
Rustam JAMILOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Xolmat ATABAYEV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Uyg'un G'OFUROV
Tolibjon NIZOMOV
Azizbek XOLNAZAROV
Hasan QODIROV

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Azizbek XOLNAZAROV
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
28.12.2022
Xulosa (№03-07/89) olindi:
07.01.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.000
227-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!